www.ishonch-doverie.uz
2011-yil 12-aprel № 46 (2927) seshanba

Insonga naf keltirish – oliy baxt

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб етишда «Темур тузуклари» бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади.*

**Ислом КАРИМОВ**

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!




# «Темур тузуклари»нинг янги нашри

**Маълумки, улуғ аждодимиз Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асари мустақиллик йилларида миллий маданий меросимизнинг ноёб намунаси сифатида қайта тикланиб, бир неча бор нашр қилинди.**

**Соҳибқироннинг 675 йиллик таваллуд тўйи арафасида Юртбошимиз таклифига кўра, бу китоб мукаммал ҳолда, юксак сифат билан янгитдан чоп этилди. Халқаро Амир Темур жамғармаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан нашрга тайёрланган китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сўзбошиси билан очилади. Қуйида ана шу сўзбоши эътиборингизга ҳавола этилмоқда.**

# Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси

Бугунги куннинг ўткир ва долзарб муаммолари биздан замонавий тараққиётнинг асосий тамойилларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш билан бирга, инсониятнинг минг йиллик тарихидаги бой тажрибасини ҳам теран идрок этишни, шу асосда амалий хулосалар чиқаришни тақозо этмоқда, яъни тарих тажрибаси одамзод учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи ҳам ана шундай буюк тажрибалар манбаидир. Бу тарихнинг энг ёрқин ва шонли саҳифаларини ташкил этадиган улуғ аждодларимиз ҳақида сўз борганда, буюк давлат арбоби ва саркарда, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг номини биринчилар қатори тилга олишимиз табиий, албатта. Мана, қарийб етти асрдирки, бу улуғ зотнинг шону шуҳрати, ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш жаҳоннинг турли мамлакатларида тобора ортиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, улуғ аждодимизнинг ўзи яшаган замонга, шу даврда Осиё ва Европа қитъаларида рўй берган, жуда катта тарихий аҳамиятга молик ўзгаришларга олиб келган воқеа-ҳодисаларга ҳал қилувчи таъсири, унинг бу жараёнлардаги роли нафақат тарихчи ва сиёсатчилар, ҳарбий илм мутахассислари, балки бадиий ижод аҳлининг ҳам диққат-эътиборини ҳали-ҳамон ўзига жалб этиб келмоқда.

Бу беназир зотнинг қандай миллий замин ва тарихий шароитда ўсиб-улғайгани, қай тариқа шундай юксак чўққиларга кўтарилгани, зафарли юришлари ҳақида, унинг нафақат давлат арбоби ва енгилмас саркарда, айни вақтда инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида Шарқ давлатлари билан бирга олис Европада — Буюк Британия, Франция, Испания, Германия каби мамлакатларда ҳам бундан неча юз йиллар аввал кўп-кўп илмий ва бадиий асарлар яратилгани яхши маълум.

Чунончи, Амир Темур бобомиз ҳақида инглиз драматурги Кристофер Марлоу 1588 йили тарихий пьеса, машҳур немис композитори Георг Гендел 1724 йили опера, америкалик адиб Эдгар По эса 1827 йили шеърий поэма яратган. Ва бундай асарлар бугунги кунда ҳам кўплаб пайдо бўлмоқда. Франциялик таниқли олим Люсьен Керен томонидан 2006 йили халқаро миқёсда кенг нишонланган Соҳибқироннинг 670 йиллик таваллуд тўйи арафасида Парижда француз тилида нашр қилинган «Самарқандга, Амир Темур даврига саёҳат» номли фундаментал тадқиқот бу фикрнинг яққол тасдиғидир. Табиийки, бу асарларнинг барчаси улуғ бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўпгина масалаларга жавоб топишда, уларни тарих ва бугунги замон нуқтаи назаридан ёритишда муҳим ўрин тутади. Уларнинг ҳар бири Соҳибқирон сиймоси ҳақида ўзига хос тасаввур ва тушунча беради.

Минг афсуски, мустамлакачилик йилларида, яъни миллий қадриятларимиз, азиз-авлиёларимиз ва алломаларимизнинг бой мероси, табаррук номларини халқимиз хотираси ва юрагидан бутунлай ўчиришга қаратилган сиёсат ҳукм сурган даврларда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш у ёқда турсин, ҳатто унинг номини тилга олиш ҳам мутлақо тақиқлаб қўйилган эди. Бу мавзуда яратилган баъзи бир илмий-бадиий асарларда Амир Темур сиймоси тарихий ҳақиқатга зид равишда бир ёқлама, асосан қора бўёқларда акс эттирилар эди. Таассуфлар бўлсинки, собиқ тузум даврида яратилган тарихий ва бадиий адабиётларда ҳамда уларнинг таъсирида чоп этилаётган бугунги айрим китобларда ҳам мана шундай ғаразли ёндашув аломатларини ҳануз учратиш мумкин.

Оллоҳга шукрки, истиқлолга эришганимиздан кейин бу масалада ҳам тарихий адолат қарор топди. Муқаддас юртимиз заминида яшаб ўтган кўплаб улуғ сиймолар қатори Амир Темур бобомизнинг номи, шаъну шавкати ва мероси ҳам қайта тикланиб, бу буюк зот ҳақидаги асл ҳақиқат холис ва ҳаққоний ёритилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда, китоблар ёзилмоқда. Зеро, Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш –тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Бу ҳақда гапирганда, Амир Темурнинг давлатчилик ва дипломатия, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик салоҳияти, илму фан, санъат ва меъморчиликка оид қарашлари, ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсонни улуғлайдиган эзгу ишлар ҳақида билдирган фикрлари, дину диёнат ва адолатни жойига қўйиш, салтанат ишларини кенгаш ва тадбир асосида амалга ошириш, ҳар бир масалада узоқни кўзлаб, эл манфаатини ўйлаб иш тутиш билан боғлиқ ибратли фазилатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Айнан мана шундай масалалар Соҳибқирон тафаккурининг маҳсули бўлган «Темур тузуклари» асарида ҳар томонлама аниқ, ишонарли ва таъсирчан тарзда ёритилган, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шунинг учун ҳам ўзининг беқиёс азму шижоати, мардлик ва жасорати билан Моварounнаҳр заминида мўғул зулмига барҳам бериб, халқимизни қарамлик исканжасидан халос этган, тарқоқ ва пароканда эл-улусни бирлаштириб, мустақил ва қудратли давлатга асос солган бу улуғ сиймонинг мазкур китобда ифода этилган ғоя ва қарашлари нафақат ўз даври, балки бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этиши бежиз эмас.

Шахсан мен Соҳибқирон бобомиз бизга мерос қилиб қолдирган «Тузуклар»ни ўқисам, худдики ўзимга қандайдир катта руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ҳар бир сатри бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидойи инсон, улкан давлат арбобининг кенг миқёсдаги ўй-фикрлари, ҳаёт ва кураш тажрибаси, мушоҳадаси, баъзан эса дардли ва изтиробли кечинмалари билан суғорилган бу асарда қандай теран маъно мужассам эканини маърифатли, зукко китобхон яхши англайди, албатта.

Мен ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган ҳаёт ҳикматларининг қанчалик тўғри эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, «Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир», деган фикрлар бугунги кунда ҳам нақадар долзарб экани барчамизга аён. Ёки у зотнинг: «Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтириш зарур», деган кўрсатмаларида ҳозирги нотинч замон учун, XXI аср сиёсатдонлари учун ҳам ҳар жиҳатдан ибратли фикрлар борлигини таъкидлаш жоиз. Амир Темур бобомизнинг бундай чуқур маъноли сўзлари, айниқса, «Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар», деган ҳикмати инсонни доимо ақл-идрок, илму маърифат асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир.

Улуғ аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўрлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган. Унинг давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб етишда «Темур тузуклари» бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, бугунги мураккаб ва таҳликали даврда бу китобни қайта-қайта мутолаа қилиш, унинг мағзини чақиш биринчи галда раҳбар, етакчи бўлишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган одамлар учун, қолаверса, ҳар қайси зиёли инсон учун бағоят фойдали экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ишончим комилки, ёшларимиз бу китобни меҳр қўйиб, тушуниб, чуқур англаб ўқиса, уларнинг қалбида миллий ғурур туйғуси юксалади, ўзининг қандай буюк зотларнинг авлоди эканини янада чуқурроқ ҳис этиб, ҳаётнинг ҳар қандай синов ва қийинчиликларини енгишга қодир инсонлар бўлиб вояга етади.

Шу маънода, «Темур тузуклари» китобининг мамлакатимизда она тилимизда янгитдан юксак сифат билан чоп этилиши, ҳеч шубҳасиз, маданий ҳаётимиздаги ўзига хос муҳим воқеадир. Қадимий ва бой, шавкатли тарихимиз, бетакрор меросимиз, азалий қадриятларимиз билан қизиқадиган барча китобхонларни ана шу қувончли воқеа билан чин дилдан қутлаб, бу ноёб асар уларнинг ҳаётида доимий маънавий ҳамроҳ бўлиб қолишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси каби йўналишлардаги ишларни амалга ошириш билан бирга, мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Касаба уюшмалари тизимидаги спорт иншоотлари ҳамда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, ходимлар ва уларнинг фарзандлари ўртасида спортни оммавийлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир.*

*Айниқса, кам таъминланган оилалар фарзандларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, бунда қишлоқ жойларга эътиборни кучайтириш, болалар ва ўсмирларнинг оммавийлик орқали катта спортга йўлланма олишларида амалий ёрдам кўрсатиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, қизларни спортга кенг жалб этиш орқали улар саломатлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш, бепул спорт кийимлари билан таъминлаб бориш масалалари ҳам кун тартибида турибди.*

*Олий тоифали спортчиларни тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларнинг нуфузли мусобақаларда иштирок этишларини таъминлаш йўлида барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шуғулланувчиларни мунтазам равишда жисмоний тарбия диспансерларида кўрикдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шуғулланувчиларни оромгоҳларда дам олдириш ва оромгоҳлар ўртасида турнирлар ташкил этиш орқали спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантиришда кўзда тутилганлиги ҳам айни муддао бўлди.*

# Республика велоспортининг истиқболли манзиллари

Республика касаба уюшмалари Ўзбекистон спортчиларининг 2012 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлигини ташкил этиш ва такомиллаштириш йўналишида олиб борилаётган ишларда ҳам фаол иштирок этиб, хусусан, Ўзбекистон велоспортчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда.

7 апрел куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида Ўзбекистон велоспорт Федерациясининг IV ҳисобот- сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Маълумки, велоспортчиларимиз 2010 йилда Гуанчжоуда бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, вакилимиз Владимир Тўйчиев олтин медални қўлга киритди. Моҳир велоспортчимиз Муроджон Холмуродовнинг жорий йил февралда Таиландда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида кумуш медал соҳибига айланиши натижасида велоспорт Федерацияси 2012 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига Ўзбекистонда биринчи бўлиб лицензия олишга муваффақ бўлди.

Велоспорт Федерациясининг IV ҳисобот-сайлов конференциясида соҳадаги шу ва шу каби муваффақиятлар алоҳида таъкидланди. Федерациянинг 2009-2010 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланиб, мазкур истиқболли спорт турини ривожлантириш борасида олдинда турган муҳим вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар муҳокама этилди. Хусусан, спортчиларни зарур техника ва техник жиҳозлар, махсус спорт кийимлари ва анжомлари билан таъминлаш борасидаги таклифлар ўртага ташланди.

Конференцияда ҳисобот давридаги фаолият қониқарли деб топилиб, ташкилий масала ҳам кўрилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева бир овоздан Ўзбекистон велоспорт Федерацияси раиси этиб сайланди.

Велоспорт Федерацияси раиси ўринбосари этиб спортнинг қишки ва техник мураккаб турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби директори Олмос Юсупов, Федерациянинг бош котиби этиб Анастасия Кривостаненко сайланди.

— Республикада истиқболли спорт турларидан бири бўлган велоспортни ривожлантириш борасида касаба уюшмаларига бирдирилган юксак ишонч барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси, велоспорт Федерацияси раиси Танзила Нарбаева. — Ишни аввало, бу соҳада мавжуд базани таҳлил этиш ва республикамиз ҳудудларидаги Олимпия захиралари мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан бошлаш лозим бўлади, албатта. Зеро, мақсадимиз спортчилар учун нафақат зарур шарт-шароитларни яратиш, балки, мамлакатимизда велоспортни янада жадал ривожлантиришдир.

Бунда, айниқса, ёш ва иқтидорли велоспортчиларни аниқлаш, уларни етук спортчилар қаторидан ўрин эгаллашларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишимизга тўғри келади. Келгусида касаба уюшмалари тизимида велоспорт мактабини ташкил этиш режаси ҳам мавжуд бўлиб, мақсадимиз — мамлакатимизда спортни ривожлантириш йўналишида олиб борилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшиш ва давлатимиз байроғининг халқаро майдонларда сарбаланд бўлишига эришиш.

Конференцияда, шунингдек, 7 кишидан иборат ижроия қўмита таркиби тасдиқланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раиси М.Бабаев, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Олимпия ва спорт захиралари бошқармаси бошлиғи Р.Маткаримов иштирок этди.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Матбуот хизмати**

**Суратда:** *Гуанчжоуда бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларининг велоспорт бўйича олтин медал соҳиби Владимир Тўйчиев.*

***Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг Президентимиз томонидан таклиф этилган Концепцияси ҳар жиҳатдан қатъиятли, ўз қадр-қимматини биладиган, матонатли халқимиз азму шижоатига монанд истиқболли ҳужжат десак, асло муболаға қилмаган бўламиз. Эл-юрт манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишга даъват Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойида ҳам баралла янграганлиги бежиз эмас.***

# Юрт корига ярайлик

— Она Ватан ягона экан, тинч-тотувлик, фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган тарзда ҳаёт кечириш бош мақсадимиз экан, ана шу юрт корига яраш, унинг истиқболи учун меҳнат қилиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиз, — деди ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаоллари билан бўлиб ўтган юзма-юз учрашувда.

Шунингдек, Федерация кенгаши раиси касаба уюшмаларининг ижро ҳокимияти билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришга эришиш учун халқ орасига тобора чуқурроқ кириб бориш лозимлиги, ўз ўрнида, тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари ва тегишли вазирликлар, идоралар ўртасидаги ҳамкорлик йўлида имзоланган келишувлар ҳаётбахшлигини таъминлаш, жамиятимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга мослашувчанлик ҳар бир етакчидан катта фидойилик, ташаббускорлик ва изланишлар талаб этиши хусусида тўхталиб ўтди. Биринчи навбатда, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини тубдан жонлантиришга эришиш, барча бўғин касаба уюшмалари ташкилотларида «Устоз-шогирд» анъаналарини ҳаётга татбиқ этиш, аъзоларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини яхшироқ ҳимоялаш масалалари ҳам ушбу учрашувда якдиллик билан маъқулланди. Соҳа ходимлари ишида қулайлик туғдирувчи айрим янгиликлар, Федерация кенгашининг навбатдаги Раёсати ва Пленумида муҳокама этилиши кўзда тутилаётган фаолиятга янгича ёндашув йўналишлари ҳақидаги фикрлар ҳам учрашув қатнашчилари томонидан илиқлик билан қарши олинди.

Музокарада сўзга чиққанлар соҳа ишини тубдан яхшилашга доир таклиф-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ташаббус

# ҚАНОТ ЁЗМОҚДА





## Боғи борнинг баҳори бор

**Урганч туманида яшайдиган Гавҳар опа ва Комилжон акалар хонадонида бўлган киши борки, «булардан ўрганадиган нарсалар кўп экан», деган хулосага келиши аниқ.**

Чоғроққина ҳовлининг кўча юзига қурилган ҳашаматли иморат ён-атрофга кўрк бағишлайди. Айниқса, баҳор ва ёз фаслларида яшнаб кетади. Ҳовли саҳнидаги чамандек очилиб ётган турфа гуллар, тартиб билан экилган ошкўклар, қалампирмунчоқ, помидор, бодринг, бақлажон, қўйингки, барча-барчаси кўзни қувонтиради. Борлиққа жамбил, райҳон, атиргул бўйи таралади. Ҳовли четидаги молхонада сўқимга боқилаётган ҳайбатли буқалар, бўрдоқи қўйлар, зотли сигирлар, улардан сал наридаги товуқ, ўрдак ва куркаларни кўриб ақл шошади. Боғда йўқ меванинг ўзи йўқ. Томорқадаги экинлар ҳам барқ уриб ўсиб ётибди. Комилжон аканинг гапига қараганда, бозордан гуруч сотиб олишмайди, ўзлари етиштирган шолининг ҳосили йил ўн икки ойга етади, ортгани сотилади. Ўн тўрт қути асаларилари ҳам бор. Хуллас, рўзғори обод, турмуши фаровон.

Рўза Маткаримова шу сўлим гўшадаги Ғалаба қишлоғида туғилиб ўсган. Эсини танибдики, меҳнат қилади. Унинг бахти ҳам, роҳат-фароғати ҳам шунда. Бундан олти йил муқаддам 46 гектар ер олиб, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган «Марибой — Рўза» фермер хўжалигига асос солганди. Бошда ишни юритиш осон кечмади, аммо Рўза ҳам сира бўш келмади. Боққа турли сархил мевали дарахт кўчатлари экилди. Астойдил меҳнат қилган асти кам бўлган эмас. Вақт ўтиб, кечагина ниҳол бўлган дарахтлар ҳосилга кирди.

Болдек ширин мевалар жуда харидоргир. Айниқса, олма, ўрик ва узумга талаб катта. «Ҳусайни», «Тойфи», «Нуқул ўрик», «Ёғли ўрик» навли ўрик ва узумларнинг бозори ниҳоятда чаққон.

Муҳими, ишни намунали ташкил этишда. Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жамоа учун дастуруламал бўлди. Тумандаги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган хўжаликлар ўртасида ўтказилаётган танловларда «Марибой — Рўза» фермер хўжалиги сира бўш келмаяпти. Илғорлар сафида рағбатлантирилмоқда. Айниқса, сифатли маҳсулотлари савдо ярмаркаларида 20 фоиз арзон нархда сотилиши барчани хушнуд этаётир.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

---

**Кўчат экиб боғ яратиш асрлар мобайнида давом этиб келаётган халқимизга хос қадриятлардан бўлиб, юртимизнинг табиий дунёсини янада бойитиш билан бирга, кишилар соғлиғини мустаҳкамлашга хизмат қилиши ҳам айни ҳақиқат.**

Федерация V Қурултойи делегатларининг кўчат экиш ҳақидаги ташаббуси Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тасарруфидаги корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ишчи-хизматчилари, талаба-ёшлар ҳамда маҳаллалар фаоллари томонидан қўллаб-қувватланиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 25 мартига қадар 55 минг 465 туп мевали, 135 минг 406 туп манзарали, маҳаллалар ҳудудида эса 151 минг тупдан ортиқ мевали, 204 минг тупга яқин манзарали кўчатлар экилди. Эътироф этиш лозимки, бундай хайрли ташаббусда Ёшлар кенгаши аъзолари фаол иштирок этмоқда.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрамига бағишлаб кўчатлар ўтказиб, пойтахтимизни ободонлаштиришга муносиб ҳисса қўшган маҳалла фаолларини Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳатларини уюштириш тўғрисида қўшма қарор қабул қилди. Унга кўра, 200 нафар кишини Самарқанд, 36 нафар кишини эса Бухорога саёҳатга олиб бориш режалаштирилган.

Ишчи-хизматчилар, талаба-ёшлар, маҳаллалар аҳли фаол иштирок этаётган, доно кексаларнинг беғараз маслаҳати, ёшларнинг ғайрат-шижоати уйғунлашган баракали меҳнат тарбиявий аҳамият касб этиши билан ҳам эътиборга сазовордир.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

---

**Қарши шаҳар ободонлаштириш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Моҳира Эломонованинг елкасидаги масъулият янада ортди. Чунки жорий йилда бошқарма қайтадан ташкил этилди. Бунгача у шаҳар кўкаламзорлаштириш бўлимида ишлар, аъзолар сони юз нафардан сал кўпроқ эди. Бўлимлар бирлаштирилгач, аъзолар 820 нафардан ошиб кетди.**

— Яқинда бошқармамизда 2011-2014 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси муҳокамаси ва уни тасдиқлаш бўйича конференция бўлиб ўтди, — деди биз билан суҳбатда Моҳира опа. — Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятимиздаги вакили Илҳом Омонов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий суғурта бўлими мудири Абдуҳалим Эшқобилов сўзга чиқиб, жамоа шартномалари орқали ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кенгроқ ифода этиш бўйича ўз тавсиялари билан ўртоқлашишди.

**— Ходимларни соғломлаштириш қандай йўлга қўйилган? — сўраймиз етакчидан.**

— Илгари ҳар бир бўлим алоҳида ташкилот ҳисобланиб, ўзаро мусобақалар ўтказиларди. Энди улар бирлашгач, тармоқ спартакиадасида бир йўла бошқарма шарафини ҳимоя этадиган бўлдик. Аммо спорт залимиз, майдонимиз йўқ. Бошқарма бошлиғи Умидилло Арслонов билан биргаликда ушбу муаммонинг ечимини излаяпмиз.

**— Қашқадарёда Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига атаб боғу роғлар барпо этиш ишлари жадал давом этмоқда. Сизнинг бошқармангиз эса ўз-ўзидан кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини олиб боради. Хайрли ташаббус ва унинг ижросига мухтасар тўхталсангиз.**

— «Боғобод» хўжалиги ҳудудида 31,5 гектар еримиз бор, унда ходимларимиз мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштиришади. «Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 туп дарахт — менинг туҳфам» ташаббуси тадбирлари ходимларимизни жуда қувонтирди. Нафақат корхона миқёсида, балки хонадонларда ҳам боғ яратиш, дарахтлар орасида сабзавотлар етиштириш ишлари уюшқоқлик билан давом этмоқда.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

**Оҳалик тоғлари этакларида боғ яратиш ўта мушкул иш. Қир-адирлар, чағир тош дов-дарахт ундиришда қийинчилик туғдиради. Марҳум боғбон Юсуф Солиев ана шу мураккаб шароитда боғ яратишга енг шимарди. Ташландиқ ерларни текислаб мевали дарахт кўчатлари экишга кўп куч сарфлади.**

Сервиқор тоғлар бағри бугун мўъжизавий боғларга бурканган. Дилшод Салимов раҳбарлик қилаётган «Оҳалик олтин боғлари» фермер хўжалиги 527 гектар майдондаги боғ соҳиблари саналишади. Тадбиркорлар мураккаб тоғ шароитида шафтоли, олма, гилос ва серҳосил ток кўчатлари парваришлашнинг илғор усулларидан фойдаланиб келишаяпти. Оҳалик боғларидаги олмазор мўъжизаси киши ҳайратини оширмасдан қолмайди. Олма дарахтларининг шакли худди токзордагидек синбағизлаб бир томонлама тараф боғлаб чиқилган.

— Бу усулда парваришлаш дарахтларни бир-бирига соя солишидан сақлайди, — дейди фермер. — Қуёш нуридан кўпроқ баҳра олган дарахт ҳосилдорлиги кутилганидан бир неча баробар зиёд бўлади.

Тадбиркорлар Самарқанд шаҳридаги «Шарқ саноат» концерни билан ҳамкорлик қилиб келади. Улар киритган ички сармоя ҳисобига Украинадан қиймати 1 миллион 370 минг АҚШ долларлик боғларни томчилатиб суғориш технологиясини харид қилишди. Махсус узатгич қурилмаларда дарахт остига томчилаб тушаётган сув энг чуқур илдизларга ҳам етиб боради. Томчилатиб суғоришнинг энг афзал жиҳати дашт шароитида қўшимча сув сарфхаражатини кескин қисқартиради.

Фермер хўжалигида ҳудудда яшовчи 68 нафар киши меҳнат қилади. Улар учун барча шароит яратилган. Олинган даромаддан шинам дала шийпони қурилишига қўл урилди.

«Оҳалик олтин боғлари» фермер хўжалиги миришкорлари деҳқончиликнинг интенсив усулларидан фойдаланганибоис ҳар мавсумда 50-60 минг тонна мева етиштириб, қайта ишловчиларга етказиб бермоқда. Бир сўз билан айтганда, саноат корхоналарининг ишончли ҳамкорига айланиб улгурди.

**Садриддин АСЛИДДИНОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси.**
**Собиржон ЖАББОРОВ,**
**тадқиқотчи**

---

## «Агробанк» ОАТБнинг хайрли одимлари

AGROBANK

***Дунёда ўзбекдек ерга меҳр берувчи халқ топилмаса керак. Ҳаётини, келажагини она замин билан чамбарчас боғловчи бу эл бир ҳовуч тупроқни ҳам муқаддас билади. Фарзанд дунёга келса, келажаги учун ярайди, деган эзгу ният билан ниҳол экади. Янги ҳовли-жой олса, кўчиб келмасидан аввал уйи атрофини боққа айлантириш тараддудига тушади. Бу ҳаракатлар замирида бобомерос заминни обод этишгина эмас, ёрқин келажак учун ишончли қадам, фаровон ҳаёт учун асос ҳам ётади.***



# Кўчат экиш — савобдир

Минг йиллардан бери давом этиб келаётган шу каби боқий қадриятларимизни давом эттириш мақсадида «Агробанк» ОАТБ томонидан «Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигига 20 туп дарахт — менинг туҳфам» шиори остида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хайрли тадбирлар самараси ўлароқ ходимлар саъй-ҳаракати билан минглаб кўчатзорлар, банк томонидан ажратилган маблағ эвазига деҳқону фермерларнинг боғу токзорлари вужудга келди.

Яхшидан боғ қолади, дейди доно халқимиз. Боғ-роғ яратаётган минг-минглаб юртдошларимизни молиявий рағбатлантираётган, фаолиятини қўллаб-қувватлаётган «Агробанк» ходимлари ҳам жаннатмакон юртимиз ободлигига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Банкнинг Қорақалпоғистон республикаси, барча вилоят ва туман филиаллари ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 28 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Улар орасида олма, гилос, ўрик, арча, каштан, шамшод, япон сафораси каби мавали ва манзарали дарахт ниҳолларини учратиш мумкин.

Жумладан, «Агробанк» Тошкент вилоят бошқармаси филиалларида маҳалла кенгашлари билан ҳамкорликда 17 та уруғ ва кўчат тарқатиш пункти ташкил этилди. Вилоят бошқармаси ходимлари туманлар ҳудудида 3131 дона мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазишди.



Шунингдек, филиаллар томонидан 9 та фермер хўжалигига боғ ташкил этиш мақсадида мевали кўчатлар учун 292 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Хайрли ишлар бугина эмас. Банкнинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан 3215 та оилага 19 млн. 760 минг сўмлик сабзавот ва полиз (пиёз, бодринг, сабзи, редиска қовун, тарвуз, укроп, кашнич, ошқовоқ, карам, қизил лавлаги кабилар) уруғлари тарқатилди. Бу эса, табиийки, томорқадан даромад олишнинг ўзлаштирилиши ҳамда истеъмол маҳсулотларини кўпайтиришга туртки бўлади.

Ҳукуматимиз томонидан узоқни кўзлаб, оқиллик билан қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар халқимиз турмуш даражаси юксалишига хизмат этибгина қолмай, молиявий муассасалар фаолиятини такомиллаштиришга ҳам хизмат қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму кўст тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини оширишда муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан кўплаб юртдошларимизга деҳқончиликни ривожлантириш ва ер унумдорлигини ошириш, мўл ҳосил олиш учун банк томонидан кўмак кўрсатилмоқда.

«Агробанк» ОАТБ томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар сабзавот, полиз, мева ва узум маҳсулотларини етиштириш, янги боғ-токзорлар яратиш учун 3 млрд. сўмга яқин 1840 та кредит ажратилди.

Микроэлементларга бой, кундалик рациондан асосий ўрин эгалловчи картошкага бўлган талабни қондириш учун ундан самарали ҳосил олиш йўлларини яхши билиш лозим. Шу мақсадда миришкорларга 257 млн. сўмлик молиявий ёрдам берилди.

Навоий вилоят бошқармасининг бу борадаги фаолияти, айниқса, ибратлидир. Жорий йилда аҳолига узум ва мева кўчатлари, сабзовот ва полиз экинлари уруғларини сотиб олишни молиялаштириш бўйича банк филиаллари томонидан бугунги кунгача 142 млн. сўмлик кредит берилди. Келажакда 718 млн. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Деҳқон халқи азалдан вақтга хасис бўлади. Ахир керакли вақтда қилинмаган бир соатлик иш уюлажак хирмонга путур етказиши мумкин. Шунинг учунми, уни пайкал бошидан силжитиш анча мушкул иш. Аммо унга бирор кўчат ёхуд уруғлик зарур бўлиб қолса-чи?! Банк бу муаммога ҳам ўзига хос ечим топди.

Юртимизда айни кунларда аҳоли, фермер хўжаликларига сабзавот ва полиз экинлари уруғларини етказиш мақсадида 253 та кўчар, 198 та кўчмас дўкон хизмат қилмоқда.

Ердан унумли ҳосил олишнинг муҳим сирларидан бири унга яхши ишлов бериш, муайян агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишдан иборатдир. Бу борада фермер хўжаликларини зарур техника, агрегат, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, мазкур йўналишга маблағ ажратиш банк олдидаги муҳим вазифалардандир. «Агробанк» ОАТБ бу мақсадини ҳам бекаму кўст адо этиб келмоқда.

Шунингдек, вилоят филиаллари томонидан ва банк кўмаги остида жамоатчилик жойларида 120 нафар ходим иштирокида 3530 дона мевали ва манзарали дарахт ниҳоли маҳалла атрофи, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаб ва боғча ҳудудларига, истироҳат боғлари ва кўча бўйиларига ўтказилди.

Орадан икки-уч йил ўтиб, банк ходимлари саъй-ҳаракати билан яратилган боғ мевалари юртимиз бозорларини безаб, дастурхонлар кўркига кўрк қўшиб турса, ажаб эмас.

**Насиба ИСМАТОВА,**
**«Ishonch» мухбири**



